
Полвонларимиз шоҳсупада

4-5 ноябрь кунлари Россия Федерациясининг Казань шаҳрида белбоғли кураш бўйича Жаҳон кубоги мусобақаси ўтказилди. Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси тўлиқ таркиб билан қатнашиб, умумжамоа ҳисобида мезбонлар ва қўшни Туркменистон вакиллари билан учинчи ўринни эълан қилди. Эътиборлиси шундаки, халқаро мусобақада туманимиз полвонлари ҳам ўз иқтидорларини тўла намойиш этдилар ва терма жамоамиз ҳисобига 3 та медаль билан муносиб ҳисса қўшдилар. 68 кг вазн тоифасида гиламга кўтарилган Диёрбек Полвонбоев ҳамда 90 кг вазн тоифасида бел олишган Шоҳруҳбек Нишонов бронза медални қўлга киритган бўлсалар, 82 кг ли полвонимиз - Ҳасанжон Мирзараҳимов кумуш медалга сазовор бўлди. Туманимиз спорт жамоатчилиги ва фахрийлари номидан полвонларимизни олқишлаймиз! Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-11-08 16:54:07